

1/2024,
yanvar-
fevral
(№ 00069)



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ ДАВЛАТ- ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ

Касимова Гуляра Ахматовна

Тошкент молия институти "Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши"
кафедраси профессори, иқтисод фанлари номзоди

kasimovagulyora1960@gmail.ru

ORCID: <https://orcid.org/0000-0002-9997-6104>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss1/i1

Аннотация

Мақолада соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш шаклларида бири – давлат-хусусий шериклик ҳақидаги назарий ёндашувлар тадқиқ қилинган. Соғлиқни сақлаш соҳасида инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришда давлат-хусусий шериклик механизмини қўллаш масаласи хорижий экспертларнинг ишларида ўрганилган. Европа Иттифоқи мамлакатларида давлат ва хусусий шериклик асосида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш улуши ҳамда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасида амалдаги давлат ва хусусий шериклик шакллари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. Давлат ва хусусий шериклик шартномаларини тузиш орқали ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш афзалликлари кўрсатилган ҳамда давлат ва хусусий шериклик механизмига муаллифлик ёндашуви ва қарашлари баён этилган.

Таянч сўзлар: Давлат бюджети харажатлари, ижтимоий соҳа, молиявий назорат, бюджет ташкилоти, давлат-хусусий шериклик, хусусий сектор, соғлиқни сақлаш тизими, ижтимоий сиёсат.

ФИНАНСИРОВАНИЕ СЕКТОР ЗДРАВООХРАНЕНИЯ НА ОСНОВЕ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОЕ ПАРТНЕРСКОЕ

Касимова Гуляра Ахматовна

Кандидат экономических наук, профессор кафедры "Бюджетного учета и казначейское дело" Ташкентского финансового института

Аннотация

В статье рассматриваются теоретические подходы к государственно-частному партнерству, одной из форм финансирования здравоохранения. Вопрос использования механизма государственно-частного партнерства в финансировании проектов в сфере здравоохранения изучался в работах зарубежных специалистов. Также были обсуждены доля финансирования системы здравоохранения на основе государственно-частного партнерства в странах Европейского Союза и действующие формы государственно-частного партнерства в сфере здравоохранения в Республике Узбекистан. Показаны преимущества реализации проектов социальной инфраструктуры посредством заключения договоров государственно-частного партнерства, описаны авторский подход и взгляды на механизм государственно-частного партнерства.

Ключевые слова: Расходы государственного бюджета, социальная сфера, финансовый контроль, бюджетная организация, государственно-частное партнерство, частный сектор, система здравоохранения, социальная политика.

FINANCING THE HEALTH SECTOR BASED ON PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP

Kasimova Gulyar Axmatovna

Professor of the department "Budget accounting and treasury work" in Tashkent Institute of Finance

Abstract

The article discusses theoretical approaches to public-private partnership, one of the forms of healthcare financing. The issue of using the mechanism of public-private partnership in financing projects in the field of healthcare was studied in the works of foreign experts. The share of financing of the healthcare system based on public-private partnership in the countries of the European Union and the existing forms of public-private partnership in the healthcare sector in the Republic of Uzbekistan were also discussed. The advantages of implementing social infrastructure projects through the conclusion of public-private partnership agreements are shown, the author's approach and views on the mechanism of public-private partnership are described.

Key words: The state budget expenditures, social sphere, financial control, budgetary organization, public-private partnership, private sector, health care system, social policy.

Кириш

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ҳамда таълим ва тиббий хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистонда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, ижтимоий хизматларни яхшилаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишлари белгиланди.

“Сўнгги беш йиллик ислохотларининг натижасида Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди. Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизмати, муносиб яшаш шароити билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилади. Республикамиз ҳудудларида бирламчи тиббий хизматини “бир қадам” тамойили асосида йўлга қўйиб, 105 та оилавий шифокор пункти ва 31 та оилавий поликлиника ташкил этилади” [2].

Ўзбекистон Республикасида “Халқимиз генофондини мустаҳкамлаш мақсадида тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш лозим. Бизнинг бош мақсадимиз – нафақат касалликни даволаш, балки унинг олдини олишдан иборат. Тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнида давлат-хусусий шериклик муносабатларини кенгайтириш лозим” [3].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида соғлиқни сақлаш соҳаси муассасаларини ташкил этишда давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш кераклигини алоҳида

таъкидлаб ўтдилар. Ўз-ўзидан маълумки, бундай шароитда Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг барқарорлигини таъминлаш билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳасига қарашли бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштиришга қаратилган давлат-хусусий шерикликка оид назарий-методологик ва ташкилий масалалар ўта долзарб аҳамият касб этади.

Илмий муаммонинг қўйилиши

Иқтисодий категория сифатида “тиббий хизмат” – бу миллий бойлик таркибидаги ижтимоий сектор хизматидир. Ижтимоий хизматлар доирасида ўзининг аҳамиятига кўра тиббий хизмат алоҳида ўрин тутати.

Соғлиқни сақлаш – аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга йўналтирилган ижтимоий, иқтисодий ва тиббий тадбирлар тизимидир. Соғлиқни сақлаш касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, соғлом турмуш ва меҳнат шароитини яратиш, юқори меҳнат қобилятини ва узоқ умр кўришни таъминлашга қаратилган умумий тадбирларни кўзда тутати, унинг асосий вазифаси беморларга замонавий, ихтисослашган ҳамда мос тарзда тиббий хизмат кўрсатишдан иборат.

“Давлат бюджетининг соғлиқни сақлаш харажатлари 2017 йилда 7330,0 млрд.сўм бўлса, 2018 йилда 9585,0 млрд.сўмга ошган, 2019 йилда 12078,0 млрд.сўм, 2020 йилда 19397,0 млрд.сўмни ташкил этган. 2021 йилда 23 316,9 млрд.сўм, 2022 йилда 22723,0 млрд.сўм миқдорида бўлса, 2023 йилда 28426,0 млрд.сўмни ташкил этган” [18].

“Сўнгги йилларда Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа харажатлари доимий равишда ошиб бормоқда. Шу билан бирга бу маблағлар ҳали ҳам ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг ҳақиқий эҳтиёжларига мос келмайди. Бундан ташқари, молиявий-иқтисодий инқироз ва пандемия шароитида соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, илм-фан, спорт, жисмоний тарбия ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларга бюджет харажатларининг қисқаришини айтиб ўтиш зарур. Бу ҳолат ижтимоий соҳа объектларнинг капитал қурилишига ва инновацион фаолиятга инвестициялар оқими сезиларли даражада пасайишининг асосий сабабларидан бири бўлди. “Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, аҳолининг таълим ва тиббий хизмат сифатидан қониқиш даражаси пасайган. Мазкур муаммоларни фақат бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш йўли билан ҳал қилиш мумкин эмас. Бугунги кунда ижтимоий соҳага хусусий инвестициялар оқимини кўпайтиришни рағбатлантириш масаласи ниҳоятда долзарбдир” [9].

“Давлат бюджет даромадларини ижро этишнинг ғазначилик тизими доимий равишда такомиллаштирилмоқда. “Бироқ, амалиётда бюджет даромадларини тўплаш ва бюджет ташкилотларининг зарур молиявий ресурслар билан мувофиқлаштириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар етарли натижа бермаяпти” [5].

Жаҳонда бугунги кунда иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг турли босқичларида молиявий оқимларни бошқаришнинг янги шаклларида фойдаланиш зарурияти юзага келди. “Давлат бюджети харажатлари ижросини таъминлаш, давлат маблағларидан мақсадли фойдаланиш назоратини кучайтириш, турли даражадаги бюджетларнинг ғазна ижросида ижтимоий ҳимояланган моддаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлаш ҳамда мамлакатда пул маблағларини

ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун йўналтиришда янги иқтисодий тузилмаларни ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда” [8].

“Молиявий инқироз” даврида йирик рейтинг агентликлари Европа Иттифоқи мамлакатларига қўйидаги таклифни киритишди. Соғлиқни сақлаш тизимида давлат-хусусий шерикчилик асосида хусусий инвестицияларни жалб этиш масаласи илгари сүрилди, яъни сифат ва назорат давлат қўлида, лойиҳаларни мақбул нархларда ва кўламда амалга ошириш вазифаси эса бизнес соҳа вакилларида топширилди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик тиббий хизматлар сифати ва уларнинг мавжудлигини таъминлаш, тиббий асбоб-ускуналар, коммунал инфратузилмани модернизация қилиш ва ходимларнинг малакасини ошириш имконини беради” [15].

Ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини ҳал қилишда давлат-хусусий шериклик механизмини қўллаш жиҳатларига бир қатор хорижий экспертларнинг ишларида ҳам тўхталиб ўтилган.

Давлат-хусусий шериклик услубиётини ишлаб чиқиш, амалиётда синаб кўриш ва қўллаш масалалари экспертлар ҳамжамиятининг қизғин мунозараларига сабаб бўлмоқда. Демак, бу муаммо нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда ДХШ дан фойдаланиш амалиётига ҳам тегишлидир. Европа инвестиция банки томонидан “давлат-хусусий шериклик”ни хусусий сектор ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрнатиш, жамоат товарлари ишлаб чиқариш ва ижтимоий хизматларни тақдим этиш учун хусусий секторнинг ресурслари ва янгиликларидан фойдаланишга қаратилган муносабатдир” [12], деб талқин қилинади.

Н.Г. Степанованинг таъкидлашича, “давлат ва бизнес тузилмалар ўртасидаги муносабатларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, ДХШнинг қўйидаги устувор хусусиятларини ажратиш кўрсатиш мумкин: томонлар сифатида давлат ва хусусий сектор қатнашиши, шериклар ўртасидаги муносабатлар узоқ муддатли характерга эга бўлиши; ҳамкорлар ўртасида риск ва жавобгарликни тенг тақсимланиши; ДХШ ижтимоий ва умумжамият аҳамиятига эга эканлиги; томонларнинг тенглиги (шериклар ўртасидаги манфаатлар мувозанати)дир” [13].

М.Б.Жерард “ижтимоий соҳада давлат-хусусий сектор шерикчилиги – бу хусусий капитални ўзига жалб қилиш ва ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ёки давлат активларини бошқариш учун хусусий капитални ҳам жалб қилишдир” [7], деб таъкидлайди. Бошқача қилиб айтганда, давлат томонидан ижтимоий хизмат сифатини ошириш ёки давлат мулкни бошқаришда хусусий капиталдан фойдаланиш деб тушунилади.

Иқтисодчи олим И.Е.Болехов “Ҳамкорликдаги ҳаракатлар майдони. Давлат-хусусий шерикчилиги – инновацион иқтисодиёт белгиси сифатида” номли асарида: ДХШ давлат идоралари ва хусусий бизнес ўзаро иттифоқи ҳисобланиб, унинг мақсади – иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан то мамлакат миқёсида ёхуд унинг айрим ҳудудларида хизматлар кўрсатишга қадар ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш ва ривожлантиришдан иборат, – деб қайд этади.

В.Г.Варнавский, А.В.Клименко ва В.А.Королев ҳаммуаллифлигидаги “Давлат-хусусий ҳамкорлиги. Назария ва амалиёт” номли ўқув қўлланмасида “ДХШ давлат ва жамоатчилик мулки объектлари, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат ва жамоатчилик идоралари, муассаса ва ташкилотлар томонидан ижро

этилувчи ва кўрсатилувчи хизматларга нисбатан давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг юридик жиҳатдан мустаҳкамланган шаклини намоён этади” [15], – деб таъкидлашади.

Тадқиқотда қўлланилган усуллар.

Тадқиқот жараёнда ижтимоий соҳа тизимида давлат-хусусий сектор шериклиги механизмини ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, қиёсий ва солиштира таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларида фойдаланилди. Тадқиқотда “давлат-хусусий сектор шериклиги” бўйича адабиётлар таҳлили амалга оширилди. «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-657-сон Қонуни 2021 йил 22 январда қабул қилинди, лекин айрим ўзбек тилидаги мақолаларда “давлат-хусусий сектор шерикчилиги” сифатида ўрганилди.

Мақоланинг мақсади

Бизнинг таҳлилларда соғлиқни сақлаш тизимида ДХШ лойиҳаларини молиялаштиришда хусусий сектор қанчалик фаол иштирок этаётганини ва хусусий инвесторларининг соғлиқни сақлаш соҳасини афзал кўришларини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг таҳлили ва мазкур тизимга ёндошув амалиёти дунёнинг барча давлатларида турли хил кўринишга эга эканлигини кўриш мумкин.

Иқтисодчи Е.К. Дабагян илмий ишида таъкидлашча, “ижтимоий сектор анъанавий равишда таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, суғурта хизмати ва бошқаларни ўз ичига олади. Ижтимоий хизмат кўрсатувчи бюджет ташкилотларининг фаолияти мамлакат аҳолисининг ижтимоий эҳтиёжларини етарлича таъминлашнинг асосий йўналиши ҳисобланади ва бу айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига тегишлидир. Шунинг таъкидлаш керакки, аралаш иқтисодиётда давлат ҳар доим ҳам етарли даражада хизмат кўрсата олмайди, инвесторлар эса ҳар доим ҳам ижтимоий соҳада бизнес қилиши натижасида юқори рентабелликка эришмайди” [4].

Патрик Т.И. Лам, Венжинг Янг (Patrick T.I. Lam, Wenjing Yang) тадқиқот натижаларида шунинг кўрсатадики, барча лойиҳалар ҳам ДХШ шаклига мос келавермайди ёки натижа самарасиз бўлиши мумкин. Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги қарорлар қабул қилишдаги қарашлар турлича бўлиши мумкинлиги ва қайси лойиҳаларда ДХШ механизмини қўллаш тўғрисида фикр юритган.

Иқтисодчи олим Н.Н.Обломуродов [11] тадқиқот ишларида “давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида йўл қурилиши ва транспорт инфраструктураси, муқобил энергия манбалари, туризм, ижтимоий соҳа инфраструктураси объектларини қурилиши каби устувор соҳаларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

Иқтисодчилар С.Э. Элмирзаев, Н.Ш Шавкатовларнинг фикрича, “ижтимоий соҳада ҳам бундай амалиётнинг кенг жорий этилиши тармоқнинг сифатини яхшилаш имконини беради. Айнан, шу жиҳатлар ДХШ амалиётини Ўзбекистонда ривожлантириш аҳамиятини ифодалайди. Инфратузилманинг етарли даражада шаклланмаганлиги иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилади, аҳоли учун кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатади ва тадбиркорлик фаолияти

жадаллигини пасайтиради. Аҳоли турмуш фаровонлигини белгиловчи инфратузилма объектларини яратиш, сақлаб туриш билан боғлиқ харажатларга ҳар йили дунё бўйича катта маблағ сарфланади. Дунё бўйича 2018 йилда инфраструктурага 2,6 триллион доллар инвестиция йўналтирилган. Бу кўрсаткич эса 2040-йилга бориб 42 фоизга ўсиб, 3,7 триллион долларга етиши кутилмоқда. The Global Infrastructure Hub ташкилоти томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра 2030 йилга бориб инфраструктурага инвестициялар ҳажми 2018 йилга қараганда 26 фоизга кўпроқ ёки 3,3 трлн. доллар маблағлар йўналтирилиши айtilмоқда ёки 2040 йилда бу кўрсаткич 3,813 трлн. долларга чиқиши прогноз қилинмоқда" [17].

"Соғлиқни сақлаш соҳасида шартномавий ДХШ муносабатларининг бир неча турлари мавжуд. Қурилиш, асбоб-ускуналар ва объектларни бошқариш бўйича шартномалардан ташқари, аутсорсинг, инвестициялар, биргаликда молиялаштириш, тиббий хизмат кўрсатиш бўйича қўшма лойиҳаларни мувофиқлаштириш бўйича шартномалар мавжуд. Машҳур дунё намунаси бўлган охирги модель – консорциум (хусусий) сектор томонидан бошқариладиган шифохона ташриф буюрувчилар (фуқаролар) сонига қараб давлат бюджетидан йиллик тўловлар ундиради" [15].

Австрияда тиббий асбобларни стерилизация қилиш бўйича ҳамкорликнинг шартномавий схемаси амалга оширилди, бу эса ягона сте-рилизация марказини яратишга олиб келди. Шифохоналар учун овқатланиш соҳасидаги ДХШни эслатиб ўтиш керак. Шифохоналар учун овқат тайёрлашни оптималлаштириш ва рационализация қилиш зарурати шунга олиб келдики, Германиянинг "Charité Campus Clinic Virchow" каби клиникаларида овқат тайёрлаш бўйича шартномалар тузилди, бу эса маҳсулотларнинг арзон ва сифатли бўлишига олиб келди.

Ривожланган мамлакатларда инвестициялар улуши соҳани умумий молиялаштиришдан харажатларнинг чорак қисмига етади. Россия Федерациясида соғлиқни сақлаш соҳасига инвестициялар улуши сезиларли даражада эмас. Россия Федерациясида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликка тўсқинлик қиладиган асосий сабаблар – давлат томонидан тартибга солиш механизмининг етишмаслиги ва мажбурий тиббий суғурта фондлари орқали хизматлар учун тўлов ставкасининг пастлигидир.

1-жадвал

Европа Иттифоқи мамлакатларида давлат ва хусусий шериклик асосида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш

	Мамлакатлар	Умумий молиялаштиришдаги улуши (фоизда)
1.	Германия	1
2.	Ирландия	1
3.	Нидерландия	3
4.	Италия	5
5.	Испания	8
6.	Греция	10
7.	Португалия	19
8.	Дания	25
9.	Швеция	25
10.	Буюк Британия	28

Юқоридаги 1-жадвалда Европа Иттифоқи мамлакатларида давлат ва хусусий шериклик асосида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш улуши берилган. “Буюк Британия давлат ижтимоий хизматларни бажаришда ДХШ шаклдан фойдаланиш бўйича дунёдаги пешқадам ва етакчи ҳисобланади. Буюк Британияда ДХШ механизминини амалга ошириш ва соғлиқни сақлашни молиялаштиришни ташкил этишдаги давлат-хусусий шериклик маҳаллий ҳокимият ва ҳукумат маблағларидан фойдаланишни камайтириш билан бирга давлат ижтимоий хизматларинини сифатли бажариш имкониятини беради, деган аксиомага асосланади. Буюк Британия моделида қўлланиладиган илғор тажрибаларни ўрганиш Польша соғлиқни сақлаш соҳасидаги ДХШ механизминини таҳлил қилиш, унинг ижобий ва салбий томонларини аниқлаш ва мазкур соҳадаги долзарб муаммоларни бартараф этишнинг мумкин бўлган усуллари аниқлаш имконини берди” [14].

“Польша ва Буюк Британияда ҳам давлат-хусусий механизми шериклик соғлиқни сақлаш соҳасида турли даражада қўлланилади. Бирлашган Қироллик соғлиқни сақлаш тизимида хусусий сектор билан ҳамкорликда амалга оширилаётган 130 дан ортиқ лойиҳалари билан мақтаниши мумкин. Уларнинг тахминий қиймати 12 миллиард фунт стерлингни ташкил қилади. Шунини таъкидлаш керакки, давлат-хусусий механизмида самарали натижага эришиш учун институционал тизим фаолиятинини тўғри ишлаб чиқилган. Миллий соғлиқни сақлаш хизмати таркибида Буюк Британия ҳукумати хусусий молия бирлиги (ХМБ) формуласи доирасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни тўғри бажариш учун масъул бўлган муассаса ишлайди. Бу муассаса, давлат-хусусий лойиҳаларни амалга ошириш жадвалини ишлаб чиқишда мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлар ўртасида таваккалчиликни тақсимлаш учун масъул ва молиявий қарорлар қабул қилишда маслаҳатчи ролини ўйнайди, шартноманинг расмий томонининг тўғрилигини назорат қилади ва шартномани тасдиқлайди” [6].

Польшада Хусусий молия ташаббуси (ХМТ)нинг ДХШ формуласи (лойиҳалаштириш-қурилиш-молиялаштириш-бошқариш) доирасида тармоқ-лараро давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйиш имконини берди. ДХШ формуласининг муваффақияти давлат ижтимоий инфратузилмаси фаолиятини такомиллаштириш билан бошқа соҳаларни янада ривожланишига олиб келди. Польшада 1997 йилда давлат хизматларини кўрсатиш бўйича тармоқлараро ҳамкорлик давлат-хусусий шериклик номини олди, унинг қамраб олиш диапазони ижтимоий инфратузилма, шаҳар уй-жойлари, касалхоналар, мактаблар ва бошқалар. Польшада давлат-хусусий шерикликнинг амалга оширилиши 2004 йилда Европа Иттифоқига қўшилишнинг билвосита натижаси бўлган бўлса, 2009 йилда қабул қилинган қонун асосида Польшадаги ДХШ бозорини янги қоидаларга мувофиқ амал қилишининг назорат қилиш бошланди. Бу эса ҳисобланган фойдани икки ҳамкорлик қилувчи томоннинг харажатлари ва хавфларидан юқори бўлишига имкон берди. Янги ДХШ қонунининг жорий этилиши билан бирга, узоқ муддатли фойда олиш имконияти туфайли ушбу формула бўйича ҳамкорлик хусусий сектор учун жозибадор бўлди. Бошқа томондан, ДХШ давлат органлари учун молиявий ресурсларнинг камайтирилишига қарамасдан, кўрсатилаётган давлат ижтимоий хизматлари самарадорлигини ошириш ва инфратузилмани ривожлантириш имкониятига айланди” [10].

Қуйидаги жадвалда давлат-хусусий шериклик шакллари берилган. Биринчи вариант (иш ва хизматларнинг айрим турлари бўйича шартномалар) ҳар бир шерикнинг мулк ҳуқуқининг тўлиқ хавфсизлигини назарда тутди, иккинчи вариант (тўлиқ хусусийлаштириш) мулк ҳуқуқини давлатдан хусусий секторга бепул ўтказишни назарда тутди.

2-жадвал

Давлат-хусусий шериклик шакллари

№	Давлат-хусусий шериклик турлари	Давлат-хусусий шериклик мазмуни
1	BOT (Build-Operate-Transfer – «қурилиш – эксплуатация/бошқариш – ўтказиш»)	Ушбу турдаги ҳамкорлик концессия шартномаларида қўлланилади. Объектни молиялаштириш ва қуриш хусусий инвестор (концессионер) маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Бунда давлат шериги (концедент) мулк эгаси ҳисобланади. Объектни фойдаланишга топширилганидан сўнг, инвестиция қилинган маблағлар қайтарилгунга қадар концессионерга бошқариш ҳуқуқи берилади
2	BOOT (Build-Own-Operate- Transfer – «қурилиш – эгалик қилиш – эксплуатация/ бошқариш – ўтказиш»)	Давлат-хусусий шерикликнинг мазкур турида имзоланган шартнома муддати тугагунга қадар хусусий инвесторга мулкдан фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқи берилганлигини, шундан кейин объект давлат шеригига ўтказилиши кўзда тутилади
3	BTO (Build-Transfer-Operate – «қурилиш – ўтказиш – эксплуатация/ бошқариш»)	Объект қурилиши тугаганидан сўнг, у дархол давлат шеригига ўтади. Кейинчалик объект хусусий инвесторга вақтинчалик (эгалик қилиш ҳуқуқисиз) фойдаланишга ўтказилади.
4	BOO (Build-Own-Operate – «қурилиш – эгалик қилиш – эксплуатация/ бошқариш»)	Шартноманинг амал қилиш муддати ўтганидан сўнг, объектга эгалик қилиш масаласини ҳал қилиш ҳуқуқи хусусий шерикда сақланади
5	BOMT (Build-Operate- Maintain-Transfer – «қурилиш – эксплуатация/бошқариш – хизмат кўрсатиш – ўтказиш»)	Объектни тегишли кўринишда сақлаш, жорий харажатлари ва ремонт қилиш жавобгарлиги хусусий секторга бириктирилади.
6	DBOOT (Design-Build-Own- Operate- Transfer – «лойиҳалаштириш – қурилиш – эгалик қилиш – эксплуатация/бошқариш – ўтказиш»)	Лойиҳани лойиҳалаштириш ҳамда объектни қуриш ва реконструкция қилиш жавобгарлиги хусусий сектор зиммасига юкланади
7	DBFO (Design-Build-Finance- Operate – «лойиҳалаштириш – қурилиш– молиялаштириш– эксплуатация/бошқариш»)	ни молиялаштириш масъулияти бизнес тузилма зиммасига юкланади

Ушбу вариантлар орасида хусусий шартномада кўзда тутилган муддат давомида турли даражада мулк ҳуқуқини бериш имконияти асосланган ДХШ муносабатларининг кўплаб вариантлари ва шакллари мавжуд. Тиббиёт ва таълим соҳаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг муҳим қисми бўлганлиги сабабли, бизнинг фикримизча, BOT механизми ва концессия шартномалари шаклида амалга ошириладиган концессия модели давлат ва хусусий бизнес тузилмалари ўртасидаги энг мақбул шериклик ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ДХШ муносабатлари соғлиқни сақлаш соҳасига қарашли бюджет ташкилотлари давлат мулки бўлиб қолиши кераклиги билан боғлиқ. Бундай шартномаларни тузиш амалиёти шунини кўрсатадики, концессия шартномаси предметида шартноманинг аниқ мақсади (объектни қуриш ёки реконструкция қилиш ва ундан кейин объектни эксплуатация қилиш) кўрсатилиши керак. Ушбу модель қурилатган объект асосан концессионер томонидан молиялаштирилишини назарда тутди. Объект қурилиши тугатилгандан сўнг, концедент концессионерга ушбу объектни шартномада назарда тутилган муддат давомида ишлатиш ҳуқуқини беради. Шундан сўнг, мулк эгаси бўлган давлатга объект яна фойдаланишга ўтказилади. Ҳозирги вақтда соғлиқни сақлаш ташкилотларини қуриш ёки реконструкция қилиш жараёнида ВОТ механизми ва концессия шартномалари шаклида концессия моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу давлат-хусусий шериклик тури бўйича меъёрий-ҳуқуқий база ишлаб чиқиш ва амалиётда татбиқ этиш тажрибаси мавжуд бўлганлиги сабабли энг хавфсиз ҳисобланади. Энг муҳими шундаки, объектлар хусусий бизнес тузилмалари мулкига ўтказилмайди, фақат давлатга қарашли соғлиқни сақлаш соҳасига қарашли ташкилотларини бошқариш ҳуқуқини маълум бир муддатга берилади.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ҳудудлар аҳолисини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар натижаларини таҳлил қилиш ва истиқболдаги ўсувор вазифаларни белгилашга бағишланган видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, соғлиқни сақлаш соҳасига 50 та фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 70 дан зиёд қарор ва фармойишлари қабул қилинди. 6 та янги илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, улар сони 16 тага етди. Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида ҳудудларда уларнинг 10 та филиали иш бошлади. Туман ва шаҳар шифохоналарида 306 та янги ихтисослашган бўлим, 1 минг 200 та тез тиббий ёрдам шохобчаси очилди, Соҳага шунча имкониятлар яратилди ва долзарб масалалар ҳал қилиб берилди. Лекин соғлиқни сақлаш тизимида кутилган натижалар кўринмаяпти. Айниқса, туманлар, чекка қишлоқлардаги аҳоли тиббий хизматдаги жиддий ва туб ўзгаришларни ўз ҳаётида сезаётгани йўқ. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотлари учун тенг шароитлар ва рақобат муҳити яратилмагани тиббий хизматлар сифатини оширишга тўсиқ бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига тиббиёт соҳасига доир 45 мингдан зиёд мурожаат келиб тушгани бу соҳада ҳали муаммолар борлигидан далолат беради. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими, туман марказий шифохоналарининг моддий-техник базаси ва малакали кадрлар билан таъминланиш даражаси талабга жавоб бермайди, бунинг оқибатида ҳудудлардаги беморлар катта маблағ сарфлаб, Тошкент шаҳрига келишга ёки чет давлатларга боришга мажбур бўлмоқда. Шу боис тиббиёт тизимидаги муаммоларни вақтида аниқлаш ва ҳал этиш, бунинг учун ҳудудлардаги ҳолатни тўлиқ қайта ўрганиб чиқиш, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалардан марказий тиббиёт муассасаларига қамраб олиш керак”[19].

“Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги томонидан республиканинг масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019-2021 йилларда умумий қиймати 2,9 млрд. доллар бўлган жами 265 та давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳалари бўйича ишлар олиб борилди. Жумладан, таълим соҳасида 36 та, соғлиқни сақлаш соҳасида 30 та, маданият соҳасида 15 та, энергетика соҳасида 5 та, коммунал хизматлар соҳасида 3 та, сув хўжалиги соҳасида 105 та, экология соҳасида 54 та, хунармандчилик саноати соҳасида 13 та ҳамда транспорт, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш, ахборот технологиялари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида 1 тадан лойиҳаларни ташкил этади. Шундан: ДХШ тўғрисидаги битим имзоланган лойиҳалар сони – 210 та, ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш арафасида бўлган лойиҳалар сони – 23 та, тендер босқичларида бўлган лойиҳалар сони – 32 тани ташкил этади” [20].

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги 60-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурига мувофиқ, давлат-хусусий шериклик асосида таълим, соғлиқни сақлаш, энергетика, транспорт, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга қиймати қарийб 14,0 млрд. доллардан иборат бўлган 154 та давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилади” [2].

“2019-2021 йилларда умумий қиймати 15,5 млн. доллардан ортиқ бўлган жами 36 та давлат-хусусий шериклик лойиҳалари давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича ишлар олиб борилди. Мазкур соҳада жами 31 та умумий қиймати 13,0 млн. доллар миқдоридаги ДХШ тўғрисидаги битимлар имзоланди, шу билан бирга соғлиқни сақлаш соҳасида қуйидагилар кўзда тутилди. “Соғлиқни сақлаш соҳасида 2019-2021 йиллар давомида 30 та ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилган ва жами қиймати 35,6 млн. доллар бўлган 28 та лойиҳа бўйича ДХШ битими имзоланди, бундан ташқари яна 2 та ДХШ лойиҳаси бўйича тендер босқичлари якунланиб, ДХШ битими имзоланади. 2022-2026 йиллар давомида амалга оширилиши режалаштирилган 3 та йирик лойиҳалар бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрлаш ва ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Халқаро молия корпорациясининг маслаҳат кўмагида Фарғона, Тошкент, Самарканд, ва Хоразм вилоятларида Нурли терапия тиббиёт марказини ташкил этиш лойиҳасининг концепцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди ва тендер ҳужжатлари тайёрланди. Халқаро молия корпорациясининг маслаҳат кўмагида Фарғона вилоятида кўп тармоқли шифохона ташкил этиш лойиҳаси бўйича Жаҳон банкининг “Институтционал салоҳиятни ошириш” кредит линияси ҳисобидан юридик маслаҳатчилар жалб қилинди. Осиё тараққиёт банкининг маслаҳати кўмагида Андижон ва Бухоро вилоятларида поликлиника ва тиббиёт марказларини ташкил этиш лойиҳалари бўйича дастлабки ўрганиш ишлари олиб борилмоқда” [21].

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириб, тақдим этилган лойиҳа билан битимларнинг амал қилиш муддатларини аниқ белгилаган ҳолда ДХШнинг бир қатор шакллари жорий этилди. Қуйидаги жадвалнинг 1-6-шакллари бўйича ДХШ тўғрисидаги битим Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказиладиган

танлов асосида тузилади, 7-8-вазиятларда эса танлов ўтказилмайди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат томонидан шерик сифатида битим тузади ва хусусий шерикнинг битим шартларини бажаришини мониторинг қилади.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат ва хусусий шериклик шакллари

	Соғлиқни сақлаш тизими соҳасидаги ДХШ шакли	ДХШ тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати
1.	Нодавлат тиббиёт ташкилотлари биноларини қуриш учун ер участкаларини бепул асосда доимий фойдаланишга бериш	камида 30 йил
2.	Фаолият юритмаётган давлат тиббиёт ташкилотлари биноларини ноль даражали харид қийматида реализация қилиш	камида 30 йил
3.	Давлат тиббиёт ташкилотларининг фойдаланилмаётган бинолари ёки корпусларини хусусий шерикларга узоқ муддатли бепул мақсадли фойдаланишга бериш	камида 30 йил
4.	Фаолият юритаётган давлат тиббиёт ташкилотлари ҳудудида нодавлат тиббиёт ташкилотлари биноларини қуриш учун ер участкаларини бепул асосда доимий фойдаланишга бериш	камида 30 йил
5.	Давлат тиббиёт ташкилотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, кейинчалик оталиққа олиш шarti билан нодавлат тиббиёт ташкилотлари объектларини қуриш учун ер участкаларини бепул асосда бериш	камида 30 йил
6.	Концессия асосида қурилиш учун ер участкаси ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бино ажратиш	15 йилгача
7.	Хусусий шерикнинг мол-мулки негизида ташкил этилган нодавлат тиббиёт ташкилотларини моддий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш	белгиланмайди
8.	Қуйидагиларни аутсорсинг шаклида бажариш:	
9.	ёрдамчи хизмат турлари	беморлар учун овқат тайёрлаш, шу жумладан даволовчи овқатланишда парҳез таомлар тайёрлаш ич кийим ва махсус кийимларни, бошқа юмшоқ инвентарни ювиш, уларга профессионал ишлов бериш- кир ювиш хизматлари тиббий буюмлар ва асбобларни марказлаштирилган тарзда стериллаш дезинфекция ва дератизация бино ва иншоотларга хизмат кўрсатиш, уларни сақлаш ва таъмирлаш

Соғлиқни сақлаш тизими соҳасидаги ДХШ шакли		ДХШ тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати
		қўриқлаш ва ёнғин сигнализацияси, кондиционерлаш, вентиляция, сув таъминоти, канализация тизимларини ўрганиш ва уларга хизмат кўрсатиш
		бинолар, иншоотларнинг муҳандислик ва техник тизимларидан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш
		тиббий ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш
		чиқиндиларни (симобли лампалар) йиғиш, анатомик чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш, тиббий чиқиндиларни утиллаштириш ва профессионал тозалаш
		транспорт хизматлари ва ташиш, юкларни етказиб бериш хизматлари
		иссиқлик ва электр энергияси, совуқ ва иссиқ сув истеъмолининг ҳисобини юритиш, энергия ва сув истеъмоли мақбуллаштирилишини таҳлил қилиш
		алоқа, интернет-, радио-, телекоммуникация тизимлари, сервис тизимлари, авария тизимлари, кириш тизимларини бошқариш
10.	айрим турдаги тиббий хизмат турлари	лаборатория таҳлилларини ўтказиш (қорин ичидаги инфекцияларни текшириш, кимёвий-токсикологик текширишлар, цитологик ва гистологик текширувлар ва бошқалар)
		рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган замонавий диагностика ускуналаридан фойдаланган ҳолда ташхис қўйиш ва даволаш
		беморларга гемодиализ хизматларини кўрсатиш
		ихтисослаштирилган тиббий буюмлар ва асбобларни тайёрлаш (травмотологик операцияларни ўтказиш учун тиббий ташкилотларнинг буюртмаларига кўра)

ДХШ шаклига қараб хусусий шерикнинг қуйидаги мажбуриятлари белгиланди:

- ижтимоий кўмакка муҳтож шахсларга имтиёзли тўлов белгилаган ҳолда ёхуд бепул тиббий хизматлар кўрсатиш;

- давлат тиббиёт ташкилотлари учун ёрдамчи функцияларни, жойлардаги соғлиқни сақлаш органлари томонидан белгиланган ҳажмда айрим турдаги даволаш-профилактика хизматларини бажариш;

- хусусий шерикка бириктирилган давлат тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш.

Хулосалар

Давлат-хусусий шериклик механизмининг таҳлили ва давлат-хусусий шериклик тизимга ёндошув амалиёти дунёнинг барча давлатларида турли хил кўринишга эга эканлигини кўрсатди.

Мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик муносабатларини соғлиқни сақлаш соҳасида амалиётга жорий этиш бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси харажатларини молиялаштиришнинг дунё тажрибасида ўзини оқлаган ва ижобий самарасини бераётган янги механизмдан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, давлат-хусусий шериклик механизмнинг жаҳон миқёсида шаклланиши ва кенг кўламда ривожланишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва пандемиянинг давлат бюджети даромадларини пасайишига олиб келиши;

- давлат бюджетидан мақсадли ажратилган маблағлар самарадорлигининг камайиши;

- давлат томонидан аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини ошириш;

- соғлиқни сақлаш соҳасида коррупция ҳолатларига барҳам бериш.

Давлат учун ДХШ шартномаларини тузиш орқали ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш қуйидаги афзалликларга эга:

- объектга эгалик ҳуқуқини сақлаб қолиш;

- танлов ёки танловсиз асосда шартнома тузиш имконияти;

- давлат мулкни бошқариш тўғрисидаги шартноманинг узоқ муддатли хусусияти;

- концессионер фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, объектдан нотўғри фойдаланишни олдини олиш қобилияти;

- давлат бюджети юқини камайтириш;

- шартнома объектини қуриш ва реконструкция қилиш учун хусусий ва давлат инвестицияларини бирлаштириш.

- белгиланган тартибда инвесторларга ишончли бошқарувга берилди.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўламини кенгайтириш, соҳага босқичма-босқич тиббий суғурта тизимини жорий этиш, тиббий хизматлар бозорида замонавий рақобат муҳитини яратиш, шу асосда аҳолининг кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тамойиллари белгиланди. Жумладан: қонунчилик; тенг ҳуқуқлилиқ; очиқлик; ошкоралиқ; жамоат манфатлари устунлиги; мажбуриятларни виждонан бажарилиши; ўзаро муносабатларда тортишув ва шартномага асосланиши; хавф-хатар ва мажбуриятларни адолатли тақсимлаш.

Мамлакатимизда ҳам соғлиқни сақлаш тизимида ДХШ механизмни қўллашнинг тизимли шакли қонун ҳужжатлари билан белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4290-сонли қарорига мувофиқ, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари давлат ва хусусий шерик ўртасида бир ёки бир неча шаклларни бирлаштириш орқали амалга оширилиши белгилаб берилди. Масалан, соғлиқни сақлаш соҳасида жамоат инфратузилмасини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш, модернизация қилиш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5590-сон фармонида кўра 2019 йил 1 июлдан вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги соғлиқни сақлаш муассасалари (касалхоналар)да аралаш молиялаштириш тизими жорий этилди, бунда кафолатланган бепул тиббий хизмат ҳажмига кирмайдиган даволаш турлари пуллик асосда амалга оширилди. 2019 йил 1 июлдан бошлаб айрим даволаш-профилактика муассасалари ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари асосида белгиланган тартибда инвесторларга ишончли бошқарувга берилди.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўламини кенгайтириш, соҳага босқичма-босқич тиббий суғурта тизимини жорий этиш, тиббий хизматлар бозорида замонавий рақобат муҳитини яратиш, шу асосда аҳолининг кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида:

Бизнинг фикримизча, ДХШ муносабатлари соғлиқни сақлаш соҳасига қарашли бюджет ташкилотлари давлат мўлки бўлиб қолиши кераклиги билан боғлиқ. Бундай шартномаларни тузиш амалиёти шуни кўрсатадики, концессия шартномаси предметида шартноманинг аниқ мақсади (объектни қуриш ёки реконструкция қилиш ва ундан кейин объектни эксплуатация қилиш) кўрсатилади. Ушбу модель қурилатган объект асосан концессионер томонидан молиялаштирилишини назарда тутди. Энг муҳими шундаки, объектлар хусусий бизнес тузилмалари мўлкига ўтказилмайди, фақат давлатга қарашли ижтимоий соҳага қарашли ташкилотларини бошқариш ҳуқуқини маълум бир муддатга берилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 4290-сон қарори. 2019 йил. 16 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 60-сон фармони. 2022 йил. 28 январь. www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasiprezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy>
4. Дабагян Е.К. Роль частного сектора в реформировании системы здравоохранения: мировой опыт и российская практика.// Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва. 2019. –С.166.
5. John Bailey, Jones YueLi. The effects of collecting income taxes on Social Security benefits. Journal of Public Economics. Volume 159. March 2018. Pages 128-145. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0047272718300045>
6. WHO – World Health Report 2014 – Health systems financing: The path to universal coverage, // <http://www.who.int/whr/2014/en///> referred on: 20.07.2021).
7. Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations? //Finance & Development. 2001. Vol. 38. N3.-P.24.

8. KASIMOVA G.A THE ROLE OF ENDAUMENT FUNDS IN FINANCING SOCIAL EXPENSES. JOURNAL OF CRITICAL REVIEWS. ISSN- 2394-5125 VOL 7. ISSUE 17. 2020.-P.2848-2855.

9. Касимова Г.А. Ҳазначилик тизимида ижтимоий соҳанинг молиявий таъминоти услубиётини такомиллаштириш. Монография. Тошкент. Иқтисод-молия. 2021. –Б.-230.

10. Marta Łakomy-Zinowik., Zuzana Horváthova. PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIPS AS A WAY OF FINANCING IN THE HEALTHCARE SYSTEM (BASED ON THE EXAMPLES OF POLAND AND THE UNITED KINGDOM). November 2016. 9(3):150-158.

Centre of Sociological Research, Szczecin, Poland. [Journal of International Studies](#).

11. Обломуродов Н.Н. Давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш. www.interfinance.uz. // “Халқаро молия ва ҳисоб”. -Тошкент. 2018. № 6. декабрь.

12. Официальный сайт Европейского инвестиционного банка. – Электронный ресурс. URL: <http://www.eib.org/>. The EIB Role in Public-Private Partnerships. European Investment Bank. Luxembourg, 004. http://www.eib.org/attachments/thematic/eib_ppp_en.pdf.

13. Степанова Н.Г. Особенности развития партнерских отношений государства и бизнеса [Электронный ресурс] / Н.Г. Степанова. – Режим доступа: URL: Stepanova N.G. Features of the development of partnership relations between the state and business [Electronic resource].<http://docplayer.ru/40703084-Osobennosti-razvitiya-partnerskih-otnosheniy-gosudarstva-i-biznesa.html>.

14. Suchecka J. Health System – The four models of health care system. (2010), *Ekonomia zdrowia i opieki zdrowotnej*, [in:] *Podstawowe modele systemów zdrowotnych*, Wolters Kluwer Polska ,Warszawa.

15. Хайитов С.Б. Соғлиқни сақлаш соҳасини давлат-хусусий шерикчилик механизми асосида ривожлантириш. // “Иқтисодиёт ва таълим”. -Тошкент. 2022. № 2. декабрь. -Б. 280-285.

16. Хулукшинов Д.Е., Норбоева Е.Ц. Современное состояние системы здравоохранения России: вопросы финансирования и проблемы развития. // *Экономические науки*. 2016. № 5 (138). С.79-84.

17. Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари. www.interfinance.uz.\\ «Халқаро молия ва ҳисоб» электрон журнали. - Тошкент. 2019. -№3. июнь.

18. <https://openbudget.uz/outcomesView> сайти маълумотлари.

19. <https://www.uzavtoyul.uz/cy/post/sogliqni-saqlash-tizimidagi-islohotlarning-yangi-ustuvor-yonalishlari-belgilab-berildi-9-11-2018.html>

20. 2019-2022 yillarda amalga oshirilgan va 2022-2026 yillarda amalga oshiriladigan davlat-xususiy sheriklik loyihalari yuzasidan 2022 yil 1 fevral holatiga ko’ra HISOBOT. <https://www.pppda.uz/4966>

21. https://www.norma.uz/nhh_loyihalari/sogliqni_saqlash_4_turdagi_tibbiy_va_1_2_turdagi_erdamchi_hizmatlar_hususiy_tadbirkorlarga_autsorsing_shartlarida_berilishi_m_umkin